

**ЎРТА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЎҚУВЧИЛАР  
БИЛАН ИШЛАШ ВА ЯНГИ ИНТЕРФАОЛ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ  
ЎҚИТИШНИНГ АВФЗАЛЛИГИ**

**Файзиматова Гулноза Мирзалиевна  
Мухаммедова Шахноза Бахтиёржоновна**  
19-ИДУМ, бошланғич синф ўқитувчилари

**Аннотация:** Ушбу мақолада интерфаол ўйин технологияси педагогик технологияларга мансуб бўлиб, у ўқувчи фаолиятини мукаммаллаштиришда фаоллик кўрсата олади. Бу технологияни қўллаш ўқув жараёнида иштирок этишни фаоллаштиришнинг бир усулидир. Ўқувчининг тафаккур ривожига қаратилган ўйинлар ўқувчининг ижодий истеъдодини, хотира ва диққатини ўстириши билан аҳамиятга эга эканлиги ёритилган бўлиб ўқитувчи педагогик маҳорати алоҳида таъкидланган.

**Калит сўзлар:** «Зукколар» ўйини, «Матнни тўлдириш», «Изоҳли луғат», «Кубик» ўйинлари, янги кўринишларни тадбиқ қилиш, товушлар, слайдлар, анимациялар билан

**Абстрактный:** В данной статье интерактивная игровая технология относится к педагогическим технологиям, которые могут проявить активность в совершенствовании активности обучающегося. Использование этой технологии – один из способов активизировать участие в процессе обучения. Подчеркнуто, что игры, направленные на развитие мышления ученика, важны для развития творческого таланта, памяти и внимания ученика, подчеркнуто педагогическое мастерство учителя.

**Ключевые слова:** Логические, Заполните текст, Словарный запас, Кубические игры, с новыми скинами, звуками, слайдами, анимацией.

**КИРИШ**

Ҳозирда жудаям долзарб ва алоҳида услубиятга эга ҳисобланадиган инновацион ва ахборот технологияларини таълим жараёнига тадбиқ қилиш замонавий ахборот дунёсини ривожланишидаги мантиқий ва зарурий қадам деб характерлаш мумкин.

Айниқса бошланғич мактабда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб дарс жараёнини ташкил қилиш долзарб ҳисобланади. Чунки 1-4 синф ўқувчиларида кўргазмали образли фикрлаш ривожланган, шу боисдан ҳам дарс жараёнини компьютер технологияларидан фойдаланиб ташкил қилиш жуда муҳим. Бунинг учун сифатли кўргазмали материалларни мақсадли тарзда жуда кўп тайёрлаш ва ундан фойдаланиш зарур, билимни қабул қилиш жараёнига янги кўринишларни тадбиқ қилиш, товушлар, слайдлар, анимациялар билан. Бошланғич мактабда турли дарсларда АКТдан фойдаланиш ўқитишнинг кўргазмали-тасвири-тушунтириш услубидан фаолиятли услубга

ўтишга имконият яратади, бунда ўқувчи ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига, субъектига айланади. Бу эса ўқувчида билимни англаган ҳолда ўзлаштиришга имкон яратади. Шу боисдан ҳам замонавий таълим тизимида бошланғич синфларда компьютер технологияларини қўллаб дарс жараёнини ташкил қилиш жуда кўп новатор педагоглар томонидан амалга оширилмоқда, бу жуда кўпчилик педагогларнинг ҳаётий иш нормасига айланиб бормоқда.[1]

Бошланғич синф ўқитувчиси Давлат таълим стандарти бўйича болаларнинг мантиқий тафаккур қила олиш салоҳиятини, ақлий ривожланишини, дунёқарашини, коммуникатив саводхонлигини ва ўз-ўзини англаш салоҳиятини шакллантиришга, эркин фикрлай олиш, ўзгалар фикрини англаш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда равлон баён қила олиш кўникмаларини эгаллашларига эришиши лозим. Шу боисдан ҳам бошланғич синфлар ўқув жараёнидаги бир хилликга барҳам бериш дарс жараёнини турли туманлигини , ранг баранглигини таъминлаш мақсадида илғор педагогик ва инновацион технологияларини кенг жорий этишга мўлжалланган ўқув-методик қўлланмаларни яратиш ва тадбиқ қилиш давр талабидир. Шу билан бирга дарс жараёнида махсу тайёрлаган мултимедиали иловалардан, видеолавҳалардан, турли анимацион материаллардан фойдаланиб ўқув жараёни ташкил қилинганда, ўқувчиларнинг амалий тафаккур ва тасаввурларини шакллантиришда мавзуга бўлган қизиқишларини орттиради ва тез тушуниб олишларига имконият яратади.

Шунингдек, дарс давомида ўқувчилар чарчаб қолмаслиги ва зерикмасликлари учун мусиқали дам олиш дақиқалари ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Худди шундай, бошланғич синфларда математика дарсларида дидактик ўйин ва бошқотирмалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш ва ҳозиржавоблик қобилиятларини янада ривожлантиради.

Бошланғич синф таълим ўқитувчиси Файзиматова Гулноза Мирзалиевна дарс жарёнида интерфаол «Зукколар» ўйини интерфаол усуллардан фойданиб дарс ташкиллаштирган.

1-расм



Интерфаол ўйин технологияси педагогик технологияларга мансуб бўлиб, у ўқувчи фаолиятини мукаммаллаштиришда фаоллик кўрсата олади. Бу технологияни қўллаш ўқув жараёнига иштирок этишни фаоллаштиришнинг бир усулидир. Ўқувчининг тафаккур ривожига қаратилган ўйинлар ўқувчининг ижодий истеъдодини, хотира ва диққатини ўстиради. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ўйинга эҳтиёж ва интилишларини маълум таълимий мақсадларга қаратмоқ лозим. Агар ўйин педагогик жараёнга хизмат қилса, унда у таълим ва тарбия воситасига айланади. Ўйин фаолияти – вақтни бўш ўтказиши эмас, аксинча, ўқитишнинг энг самарали усулидир. Ўйин ижтимоий, ҳиссий, ижодий ва жисмоний кўникмаларини ривожлантиради. Ўйин болаларни бир-бири билан мулоқотда бўлиш, маълум тартиб – қоидаларни сақлашга, ўзини бошқара билишга, ҳамкорликда бўлишга, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашишга, уларнинг хоҳиш – истакларини эътиборга олиш, берилган вазифани диққат билан бажаришга ўргатади. Ўйинлар юқорида айтилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда дарс жараёнида ўз қоидаларига эътибор берилиб ташкил қилинса, ўқитишнинг самарали бўлишига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Интерфаол ўйиннинг хусусиятлари: - Унинг аниқ мақсади бор.

Бошқача айтганда, педагог ўйиндан дарсда мақсадга мувофиқ фойдаланади. - Унинг аниқ қоидалари бор.

- Ўйнаётганларнинг танлаш эркинлиги бор, улар ўз ихтиёри билан ўйиннинг олиб борилишига таъсир эта олади. - Ўйин иштирокчилари ўйин орқали бирон-бир нарсани ўргана олади.

- У қизиқ ва шуниси билан болаларни ўзига жалб этади, тез ҳаракат қилишга туртки боради. Қуйида ўйин – топшириқлар намунаси берилди

1. «Зукколар» ўйини. Ўйиннинг мазмуни: синф ўқувчилари 2 гуруҳга бўлинади: бошловчи ҳар бир гуруҳга сўз туркумига оид 1 сўздан айтади ва синонимик қатор ҳосил қилиш топширилади. Қайси гуруҳ кўп топса, ғолиб ҳисобланади.

2.«Матнни тўлдириш» ўйини. Ўйиннинг мазмуни: ўқувчиларга вазифа: сизнинг столнингизда турли матнлар ётибди. Матнда тушириб қолдирилган қисмлари бор. Маъносига қараб матнни тўлдириш. Вазифа бажарилиб бўлингач, ўша матннинг тўлиқ вариантини ўқитувчидан олиб, иккала матнни таққослайдилар ва изоҳ борадилар. Бу ўйин ўқувчиларнинг сўз бойлигини орттиради ҳамда фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

3. «Изоҳли луғат» ўйини. Ўйиннинг мазмуни. Доска ёнига чақирилган ўқувчи кўзини юмиб, доскада ёзилган сўзлардан бирини кўрсатади. Вазифа: кўзингизни очинг, сўзни ўқинг ва унинг маъносини тушунтириб беринг (шу сўзлар иштирокида гап тузинг). Ким сўзнинг маъносини кўпроқ ва кенгроқ изоҳлаб берса, шу ғолиб ҳисобланади.

4. «Луғат» ўйини. Вазифа: мавзуга оид сўзлар тизимини тузиш. Ўқитувчи 3-4 дақиқа вақт беради. Ким кўп сўз тузса, шу ғолиб ҳисобланади.

5. «Билагон» ўйини. Вазифа: Ўқитувчи бирор бир ҳарфни айтади. Ким ўша айтилган ҳарфга кўпроқ сўз топа олса, ўша ғолиб бўлади.

6.«Кубик» ўйини. Қалин қоғоздан ясалган кубик томонларига мамлакат, исм, оила аъзолари исми ва ҳоказо ёзилган бўлади. Ўқувчилар стол атрофига тўпланишади. Кимга қандай ёзув тушса. Шу сўзга мос бўлган жумла тузиши керак. [2]

#### Хулоса қисми

Хулоса қалиб айтганда, интерфаол ўйинлар бола шахсиятининг барча томонларини шакллантиради, унинг руҳиятида сезиларли ўзгаришлар содир этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўрганилаётган ҳар бир тил ҳодисасининг ички имкониятларини аниқлаши, сўз устида ишлаш жараёнини тўғри ташкил этиши, болаларни қизиқтирадиган ижодий – амалий ишлардан фойдаланиши зарур. Ҳамда ўсиб келаётган ҳар бир ниҳолларимизнинг келажакда катта бир дарахт бўлиб етилишида хиссамизни қўшмоғимиз даркор.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Арипова Э. В. Имло ўргатишда моделлаштириш усули ва текст топшириқларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида. Мактабда рус тили 2003 йил 2-сон 13-17-бет.

2. Никишина И.В. Педагогик инновацион технологиялар. "Ўқитувчи". Волгоград, 2006 йил

3.Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари ва шахсиятини ривожлантириш . – 2001.-6-сон.21-25-бетлар.

4.Хидоятова Д.А. Интерфаол методлар / услубий қўлланма / Тошкент », 2015. – 44 б.